

ҚИЗИЛТУРУҚ КОНИДА ОЛТИН МАЪДАНЛАШУВИНИ ҚИДИРИШНИНГ ГЕОЛОГИК МЕЗОНЛАРИ

Ризаева Асила Акмал қизи

«Гидрогеология ва муҳандислик геологияси» йўналиши 3 босқич
талабаси

Тўраев Шохруҳбек Бахтиёр ўғли

«Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси»
йўналиши 1 – босқич магистранти

Жўраев Мехрож Нуриллаевич

Геол.-мин.фанлари бўйича фалсафа доктори(Phd), доцент
Тошкент давлат техника университети, Тошкент

В статье раскрывается суть проявления ряда характерных поисковых критериев золотого оруденения Кызылтурукского рудного поля – одного из наиболее перспективных на выявление новых месторождений благородных металлов на юге Узбекистана.

Мақолада Ўзбекистон жанубидаги бир мунча истиқболли хисобланган янги нодир металл конларидан бири – Қизилтурук маъданли майдони олтин маъданлашувига алоқадор қидириш мезонларининг мазмунни қисқача ёритилган.

Қизилтурук маъданли майдони Зарафшон-Олой структур-формацион (таркибли), Жанубий Тяншан тоғларида жойлашган бўлиб, қуи палеозойда чўкинди, чўкинди-терреген, кечки палеозойда магматик ётқизиқларнинг чўкинди жинсларга таъсири кузатилади. Минераллашув, габбро-диорит жинсларига карбонатли жинсларнинг кескин таъсири натижасида ўрта девон ва терреген тошкўмир даврларига тўғри келади. Маъданли майдонда маъданлашув кварц-олтин таркибли бўлиб, у икки хил кўринишга эга (умеренно-сульфидной, убогосульфидной). Наврўз сурилмасида, слюдали-глиали-сланец жинсларининг кам ўзгарганлиги натижасида минераллашган чегаравий худуднинг яққол кўринишлари намоён бўлган [2]


Худудда ўтказилган тадқиқодлар ва ўрганилган маълум қонуниятлар асосида, Қизилтурук олтин камёб металли маъданли майдонида, маъданлашувнинг ўзига хослигини исботлаш мақсадида, фойдали

қазилмаларни қидиришнинг қўйидаги геологик мезон ва белгилари ишлаб чиқилди (1-расм):

Булар стратиграфик ва литологик, структуравий; гидротермал ва метасоматик; минералогик ва геокимёвий мезонлардир.

Қайд этилган геологик белги ва мезонлар қўйидагиларда намоён бўлади.

Стратиграфик ва литологик мезон. Қизилтуруқ маъдан намоёни ва Широтний конидаги олтин ва олтин-вольфрам маъданлашуви, ўрта девон даврининг эйфел ярусига алоқадор кремнийли-карбонат (оҳактош, доломит) жинслари таркибида намоён бўлади. Маъданлашувнинг стратиграфик ва литологик назорати бу худуд учун икки хилда бўлиши кузатилган. Бир томондан литологик қатламларда сиқилиш (деформация) жараёнининг кескинлашуви бўлса, иккинчи томондан, маъданлашув чегарасида, унга таъсир қилувчи маъдан олди жинсларнинг литологик таркиби ва унинг хилма-хиллигидадир [5]. 1.Чақилколон тоғ тизмаси атрофидаги кремнийли-карбонат таркибли Ходжакурган свитаси, тоғ жинслари заифлашган, маъданлашув жараёни тезлашган, чегаравий худудлар учун мезонлар ишлаб чиқишда жуда маъқул худуд хисобланади. Бу ердаги қатламларда кремний ва кремний-карбонатли сланецлар билан оҳактош ва кремнийли-карбонат жинсларнинг физик-механик хоссалари анизатропияси (тоғ жинсларининг турли йўллар билан физик-механик хоссаларининг ўзгариши) яққол намоён бўлган ва бундай холатлардаги қатламланишни айнан шу худуд учун уч хил сатҳда беътиш мумкин: а) илк қатламлашиш сатҳида – кремнийли сланецларда, пелитли ва алевро-пелитли жинсларнинг бир неча мм қалинликдаги қатламчалар ва линзачалар хосил қилиши; б) горизонтлар сатҳида кремнийли сланецларда, глинали ва карбонатли жинсларнинг (глинали ва оҳактошли сланец, оҳактошлар) 1 м қалинликгacha қатлам ва линзалар хосил қилиши; в) яхлит пачкалар ва қатламлар сатҳида–навбатдаги кремнийли ва карбонатли жинсларнинг 5 м дан 50-60 м гача ва ундан юқори қалинликдаги, горизонтга қўшиладиган қатламлар хосил қилиши [2].



1-расм. Схематик геологик харитада қидириш мезонлари тасвири (горизонт +1295,72. шт. № 5)

1 – кремнийли сланецлар; 2 – структуралар, а) ўрганилган, б) таҳмин килинган, 3 – маъдан танаси; 4 – минераллашган зона; 5 – оҳактош; 6 – кремний-карбонатли жинслар; 7 – ўтилган штольня горизонт; 8 – лойихаланган колонкали бурги кудуклари; 9 – таҳлил натижалари; қалинлик (м)/олтин (г/т), 10 – а) хлоритлашиш, б) серицитлашиш, в) темирлашиш, 11 – кварцлашиш, а) метасоматик, б) гидротермал.

2. Қизилтуруқ маъданли майдонида минераллашув, қатламлардаги жинслар, яъни углерод-глинали, углерод-кремнийли сланецлар таркибидағи горизонтларда аниқланған. Глинали сланецларнинг узунлик бўйича чўзилиши 50 м дан 150 м гача, қалинлиги эса 20 м дан 30 м гача етади. Серицит-хлорит-кварцли сланецлар таркибида ҳар вақт органик (кўмирили) ва пирит миқдорининг жинсларга қўшилиши кузатилиб туради [5]

Бундай холатлар эса кўмир-глинали сланецларда линзасимон кўринишдаги металли, маъдан таналарининг хосил бўлиши ва ривожланиш қонуниятларини кўрсатувчи белгиларидан бири хисобланади.

Структуравий мезон. Широтний конидаги олтин-вольфрам маданла-шуви кварцит минералларининг хили, қатламлар оралиғи чегарасидаги тоғ жинсларнинг, ҳар хил физик-механик хусусиятларини кескин ўзгариши билан ҳар ер-ҳар ерда назорат қилиб турилади.

Кремнийли, углерод-кремнийли, оҳактош кремнийли сланецлар, қатламларнинг қаттиқ сиқилиши натижасида, бўйлама шароитда деформацияга учраб маъданлашувга ўз таъсирини ўтказади. Тектоник деформация ва тарангликнинг тақсимланиши, деформация натижасида структуравий қатламлар оралиғидаги маълум тузилишларнинг бузилиши, маъданли майдон атрофидаги ўзгаришларнинг бир-бири билан алоқадорлиги ва бурмаларнинг

бўйламасига букилиши (Қизилтуруқ антиклинали) ва х.к.лар билан узвий алоқадор.

Маъданлашувнинг яна бир жихати, қатламлар оралиғидаги бузилиш-ларни (ўзгаришларни) маъданга таъсирининг мукаммал эмаслигидадир. Худуднинг шимолий-шарқий йўналишида бир вақтда хосил бўлган маъданни назорат қилувчилар структуралар ва узилмаларда кўринса, шимоли-ғарбий йўналишда эса, кремнийли-карбонат жинсларнинг диоганал бўйича маъданга таъсирининг қатламланишида кўрамиз. Умуман олганда шимоли-шарқий йўналишдаги узилмалар маъданларни ташувчи каналларни хосил қиласа, шимоли-ғарбий ва кенглик йўналиши худудида эса структуравий-тектоник йирик майдонлар иштироқи маъданлашувни аниқлашда муҳим ўрин тутади [5].

Гидротермал-метасоматик мезон. Маъданли конлар устида геологик тадқиқодлар ўтказишда, маъдан хосил қилиш шароитлари мезонларига катта эътибор қаратадилар. Бу эса, конлардаги маъдан таналарини ажратишда муҳим ахамиятга эга. Маъдан таналари эса, маълум геологик шароитда, қандайdir шаклга эга бўлади. Масалан томирсимон, қатламли, линзасимон, шток ва штокверклар ва х.к. Маъдан таналарининг бундай шаклга кириши унинг генетик хили (гидротермал, магматик, пегматит ва х.к.) билан боғлиқ [1].

Қизилтуруқ маъданли майдонида кремнийли ва карбонатли жинслар-нинг, ўзи билан бирга келадиган жинсларни гидротермал ўзгаришлар оқибатида, маъданни назорат қилувчи қатламларнинг бузилиш холатлари кузатилади.

Кремнийли жинсларнинг гидротермал ўзгаришлари эса кварцлашиш, пиритлашиш, серицитлашиш, хлоритлашиш ва турмалинлашиш жараёнларини намоён қилади. Беризитларнинг маъданли майдон ва маъдан танаси таркибидаги чизиқли қалинлиги ўзининг дастлабки холатидан 2-3 мартаға ўзгарғанлиги маълум. Минераллашган худудга яқинлашганда гидротермал ўзгарған жинсларнинг ареоллари қалинлиги 80-100 м га ортади. Маъданли майдон атрофида жинслар ўзининг қиёфасини кўринарли даражада ўзгартирган. Маслан яшил-сифат кулранг, тўқ кулранг рангга, бундан маълумки кварц ўзининг холатини сақламайди [5].

Маъданли майдоннинг атрофларида жинсларнинг гидротермал мета-морфизмга учраган, жуда кам ва кучсиз ўзгариш белгилари кузатилади. Бир қараганда метаморфизм даражаси кам, лекин ер

қаридаги минераллашган худуднинг чекка қисмлари ўзгариши билан узвий алоқадордир.

Серицитлашиш-маъдан олди ўзгаришларини характерлайди, олтин маъданлашувини юзага келтиради. Жинсларнинг мухим гидротермал ўзгариш белгиларидан бири, томирсизон танааларнинг маъданлилик хусусиятидир ҳамда тоғ жинсларининг ғоваклилиги ва ишқорлилик даражасининг юқорилигидадир. Ишқорлашув қанча юқори бўлса, олтинли ётқизиқлар учун шунча кўп ва қулай шароит юзага келади [2]. Худуддаги ўрганилган олтин миқдорининг ошиши квацлашиш, пиритлашиш, серицитлашиш ва турмалинлашиш даражасининг юқорилиги билан узвий алоқадордир. Демак гидротермал ўзгаришлар барча нодир металлар ва шу жумладан, барча маъданли майдонларда олтин миқдорининг ўсишига сабаб бўлади [3].

Минералогик ва геокимёвий мезон. Минералогик мезон барча турдаги фойдали қазилма конларини қидиришда мухим омиллардан бири хисобланади. Маъданлашувни аниқлашда илк бор тоғ жинсларининг минералогик ва геокимёвий таркиби ўрганилади [4].

Қизилтуруқ маъданли майдонида олтин асосан кварц, пирит, арсенопиритлар билан бирга учраши аниқланди. Худуддаги асосий типоморф минерал хосил қилювчилар соғ тұғма олтин, сульфидлар (пирит, арсенопирит) ва кварц, оксидланиш чегарасида эса темир ва кварцнинг сув таъсирида кескин ўзгарган турлари ўрганилади [5].

Худуддаги кимёвий элементларнинг тарқалиши, олтин маъданлашувини хосил қилган минераллар таркибидан аниқланган.

Хулоса қилиб қуйидагиларни қайд айтиш лозим: Геология қидириув ишлари кўлами кенгайиб бораётган хозирги кунда, масофавий усулларга асосланиб, янги худудларга чиқиш шароитида қидириув-башоратлаш усулларини комплекс олиб бориш, традицион геологик мезон ва белгилардан унумли фойдаланиш ишлари самарадорлигини оширишга олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ:

1. Авдонин В.В, Ручкин Г.В. и др. «Поиски и разведка МПИ». Москва Фонд «Мир» 2007г.
2. Давинов А.И. и др. «Геолого-структурное обоснование закономерности локализации золотого оруденения Кызылтуруукского рудного поля». ИГ и ГАН. 2008г.

3. Исаходжаев Б.А., Султонмуротов Ш.С ва б. «Фойдали қазилма конларини қидиришнинг геологик мезон ва белгилари». Тошкент-1996 й. ТошДТУ.

4. Крейтер В.М. «Поиски и разведка МПИ». Из-ство «Недра» Москва 1960г.